

O'ZBEKISTON XALQARO
ISLOM SHUNOSLIK AKADEMIYASI

INTERNATIONAL ISLAMIC
ACADEMY OF UZBEKISTAN

МЕЖДУНАРОДНАЯ АКАДЕМИЯ
ИСЛАМОВЕДЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА



ISLOM SHUNOSLIK VA ISLOM
SIVILIZATSİYASINI O'RGANISH
ICESCO KAFEDRASI
ICESCO CHAIR FOR ISLAMIC
STUDIES AND STUDY OF ISLAMIC
SIVILIZATION

КАФЕДРА ICESCO ПО
ИСЛАМОВЕДЕНИЮ И ИЗУЧЕНИЮ
ИСЛАМСКОЙ ЦИВИЛИЗАЦИИ

**GLOBALLASHUV JARAYONIDA ISLOMNI
TUSHUNISH MUAMMOLARI**
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari
TO'PLAMI

COLLECTION
of materials of the international scientific and practical conference on
**PROBLEMS OF UNDERSTANDING ISLAM IN THE PROCESS
OF GLOBALIZATION**

СБОРНИК
материалов международной научно-практической конференции
на тему
**ПРОБЛЕМЫ ПОНИМАНИЯ ИСЛАМА В ЭПОХУ
ГЛОБАЛИЗАЦИИ**

مجموعة
مقالات المؤتمر العلمي والعملية الدولي حول موضوع
مقاربات فهم الإسلام في عصر العولمة: مشكلات وحلول

V

“BOOKMANY PRINT”
TOSHKENT – 2025

UO‘K: 298
KBK: 86.38
G 54

Globallashuv jarayonida islomni tushunish muammolari [Matn]: xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to‘plami. V 05.11.2025. – Toshkent: Bookmany print, 2025. – 462 b.

Mas’ul muharrir:
t.f.n., professor v.b. M.M.Kamilov

Tahrir hay’ati a’zolari:
PhD dots. M.Agzamova, t.f.n., dots. D.Rahimjonov, t.f.n., dots. M.Ismoilov,
PhD dots. H.Sagdiyev, t.f.n., dots. D.Muratov, dots.v.b. A.Qambarov, PhD dots.
O‘.Polvonov, PhD dots. N.To‘rayev, PhD dots. N.Hakimova, PhD dots.
N.To‘ychiyeva, PhD dots. v.b. J.Sodiqov, PhD dots. v.b. Sh.Umaraliyev, PhD
dots. B.Ahmedov, PhD S.Ummataliyev, PhD D.Mustafayev,
PhD Ahmad Sa’d Damanhuriy, kat. o‘qi. L.Abduqodirov, o‘qi. A.Yangiboyev.

Tuzuvchi:
PhD D.Mustafayev

O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovasiyalar vazirligining “O‘zbekiston Respublikasida 2025-yilda xalqaro va respublika miqyosida o‘tkaziladigan ilmiy va ilmiy-texnik anjumanlar rejasi to‘g‘risi”dagi 2024-yil 27-dekabrda 490-son buyrug‘i va O‘zbekiston xalqaro islomshunoslik akademiyasi rektorining 2025-yil 24-yanvardagi “2025-yil xalqaro va respublika miqyosda o‘tkaziladigan ilmiy va ilmiy-texnik tadbirlarni tashkil etish to‘g‘risi”dagi 01-18-sonli buyrug‘i ijrosini ta’minlash maqsadida 2025-yil 5-noyabr kuni O‘zbekiston xalqaro islomshunoslik akademiyasida “Islomshunoslik va islom sivilizatsiyasini o‘rganish ICESCO” kafedrasidan **“Globallashuv jarayonida islomni tushunish muammolari”** mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy anjuman o‘tkazildi.

Mazkur to‘plam ushbu anjuman materiallarini o‘z ichiga olgan.

To‘plamga kiritilgan materiallarda keltirilgan fakt, raqam, ma’lumotlar va ularning originalligi uchun mualliflarning shaxsan o‘zlari mas’uldirlar.

O‘zbekiston Respublikasi Din ishlari bo‘yicha qo‘mitasining 20.10.2025 sanadagi 03-07/6480-sonli xulosasiga asosida tayyorlandi.

ISBN 978-9910-06-791-4

© **“Bookmany print”** nashriyoti, 2025.

fan tarixida ayolning o'zni borligini isbotlagan, bu o'rinni mustahkamlab bergan, va bu orqali ummatga bebaho meros qoldirgan.

Shunday qilib, Karima Marvaziyya nafaqat o'z davrining olimasi, balki barcha davrlar uchun ibrat bo'ladigan siymodir. Uning hayoti – ilmga sadoqat, ruhiy poklik, axloqiy yetuklik va ummatga xizmat qilish timsolidir. U bizga shuni o'rgatadi: ilm – bu erkak yoki ayolga xos emas, balki har bir inson uchun Allohning ne'mati; va bu ne'matni saqlash, o'rganish va ulashish – eng ulug' xizmatdir.

Умматалиев Соҳибжон Хикматали ўғли
Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси
Исломшунослик ва ислом цивилизациясини
ўрганиш ICESCO кафедраси ўқитувчиси,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
sohibjonummataliyev91@gmail.com

“ФУТУХ АЛ-БУЛДОН” АСАРИДА ТАФСИР ВА ҲАДИС ИЛМИГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР ТАҲЛИЛИ

Дунё тамаддуни ривожига катта ҳисса қўшган ислом маданияти тарихида IX-X асрлар алоҳида аҳамиятга эга. Бу даврда Қуръон, тафсир, ҳадис, фикҳ, сийрат каби ислом илмлари билан бир қаторда математика, Ҳандаса, астрономия, тиббиёт сингари фанлар ривож топди. “Шарқ уйғониш даври” номини олган мазкур асрларда ижод қилган аллома ва мутафаккирлар фақат бир фан тармоғи доирасида илмий изланиш билан чегараланиб қолмай, бир неча йўналишларда қалам тебратдилар.

Мусо ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний каби алломалар ўз даврида кўплаб илмларни ўрганиш билан бирга ўша соҳаларда қимматли асарлар ҳам ёзиб қолдирдилар. Уларнинг ёзган асарларида бир неча фанларга оид маълумотлар учрайди. Хусусан, “муҳаддислар султони”, “ҳадис илмида мўминлар амири” унвонлари билан шарафланган Имом ал-Бухорий асарларининг аксар қисми ҳадис илмига тегишли бўлса-да, ундан фикҳ, тафсир ва тарих илми мутахассислари ҳам баробар фойдаланишади ва ўз илмий йўналишлари учун муҳим манба деб ҳисоблайдилар. Демак, биринчи Шарқ уйғониш давридаги мутафаккирлар турли фан тармоқларида ижод қилганлар ва бу омил уларнинг асарларида намоён бўлади.

Аҳмад ибн Яҳё ал-Балазурий (ваф. 892) “Футуҳ ал-булдон” асари ҳам таркибида бир неча фанларга доир маълумотларни ўз ичига олган манбалардан саналади. Унинг асосий мазмуни илк ўрта асрларда ислом динининг Осиё ва Африка бўйлаб тарқалиши ҳақида бўлса-да, асарда ҳадис, тафсир, фикҳ ва араб адабиёти каби илмларга оид маълумотлар ҳам мавжуд. Қуйида мазкур асардаги тафсир илмига оид баъзи жиҳатлар келтириб ўтилади.

Ал-Балазурий исломнинг тарқалишига оид маълумотларни баён қилишда Қуръони карим оятлари ва уларнинг тафсирини ҳам келтирган. Бу омил муаллифнинг тафсир илмида ҳам чуқур билимга эга бўлганини кўрсатади. “Футуҳ ал-булдон” асарида акс этган баъзи воқеалар Қуръони карим Муҳаммад (а.с.)га нозил қилинган даврни қамраб олади. Шунинг учун тарихчи Қуръони карим оятларидан истифода қилган.

Ал-Балазурий Кубо масжиди қурилиши мавзусида Тавба сурасининг 107-109 оятларини келтириб, уларни тафсир қилган. Муаллиф 108 оятда айtilган “Тақво асосига қурилган масжид” қайси масжид бўлганлиги масаласига алоҳида тўхталиб, шу мавзудаги ҳадис ва ривоятларни келтирган. Саид ибн Жубайр ва Ҳасан ал-Басрийдан қилинган ривоятга кўра оятдаги масжид Кубо масжиди бўлган. Саҳл ибн Саъд, Абдуллоҳ ибн Умар, Убай ибн Каъб ва бошқа ровийлар фикрига кўра “Тақво асосига қурилган масжид” Набий (а.с.)нинг Мадинадаги масжидлари ҳисобланган⁶⁰⁷.

Мадина шаҳридан яҳудийларнинг Бану Назир номли қабиласининг чиқариб юборилиши ва уларнинг мол-мулки маккалик муҳожирлар ўртасида тақсим қилиниши мавзусида Ҳашр сурасининг тегишли оятлари⁶⁰⁸ келтирилган ва тафсир қилинган. Хусусан, Ҳашр сураси 5 оятдаги لَيِّنَةٌ сўзи луғат жиҳатидан “юмшоқлик” маъносини англатса-да, у ерда хурмо назарда тутилгани айtilган⁶⁰⁹.

Ҳижрий 7(милодий 628) йилда Мадинанинг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган Хайбар ва Фадак ҳудудлари фатҳ этилган. Ал-Балазурий мавзуни ёритиш давомида фатҳ сурасидаги **“(Аллоҳ таоло) уларни яқин фатҳ билан мукофотлади”**⁶¹⁰ оятидан Хайбар, **“Ва сизлар қодир бўлмаган бошқасини ҳам (ваъда қилди)”**⁶¹¹ оятидан Форс ва Византия давлатлари, Ҳашр сурасидаги **“Аллоҳ Ўз Расулига улардан қайтариб берган нарсага сизлар от ёки туя чоптириб бормадингиз”**⁶¹² оятидан Фадак ирода қилинганини айтган⁶¹³.

Макка шаҳрининг фатҳ қилиниши мавзусида шаҳарнинг мукаддаслиги, шунинг учун у ердаги уйларни сотиш ва уларда ижарада турувчи зиёратчилардан ҳақ олинмаслиги масаласига алоҳида урғу берилган. Мазкур мавзуга доир ҳадислар билан бирга Ҳаж сураси 25-оятда келган **“Масжидул Ҳаромни ерли ва четдан келган одамлар учун баробар қилиб қўйдик”** жумласи келтирилган. Оят тафсирида ал-Балазурий Маккага ҳаж ва умра зиёратига келувчи мусулмонлар ўзлари истаган уйларида яшашлари мумкинлиги, уларни ҳеч ким уйидан чиқариб юбора олмаслиги тўғрисида маълумот берган. Шунингдек, асарда Умар ибн Хаттобнинг Макка аҳолисига

⁶⁰⁷ Аҳмад ибн Яҳё ал-Балазурий. Футуҳ ал-булдон. – Байрут: Муассаса ал-маориф, 1987. – Б. 8-11.

⁶⁰⁸ Ҳашр сураси, 1-7, 9 оятлари. Қуръон оятлари маъноси А.Мансурнинг “Қуръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири” асарининг 2018 йил Тошкентда ТИУ нашриётида чоп этилган нашри асосида берилди.

⁶⁰⁹ Футуҳ ал-булдон. – Б. 28-31.

⁶¹⁰ Фатҳ сураси, 18 оят.

⁶¹¹ Фатҳ сураси, 21 оят.

⁶¹² Ҳашр сураси 6 оят.

⁶¹³ Футуҳ ал-булдон. – Б. 36-37, 44.

мурожаат қилиб айтган ушбу сўзлари келтирилган: “Сахролик араблар хоҳлаган вақтида келиб яшаши учун уйлариғизга дарвоза ўрнатманглар”⁶¹⁴.

Имом Абу Ҳанифа Нўмон ибн Собит (80/699-150/767) фақат ҳаж мавсумида уйлардан ижара ҳақи олиш макруҳ бўлишини айтган⁶¹⁵. Ал-Балазурий масалага тааллуқли бўлган муҳаддис, фақиҳ ва муфассир олимларнинг аксарининг фикрларини келтириб ўтган. Тафсир ва фикҳ илмига алоқадор бўлган ушбу мавзу муфассир ва фақиҳлар томонидан атрофлича ўрганилган ва бир неча манбаларда баён қилинган. Хусусан, Абу Бакр Жассос (305/917-370/980)нинг “Аҳком ал-Қуръан”⁶¹⁶, Суютий (849/1445-911/1505)нинг “Ад-дурр ал-мансур”⁶¹⁷, Ибн Ҳажар Асқалонийнинг “Фатҳ ал-борий шарҳ саҳиҳ ал-Бухорий”⁶¹⁸, Бадриддин Айний (762/1360-855/1451)нинг “Умдат ал-Қори”⁶¹⁹, Жамолиддин аз-Зайлаий (ваф. 762/1360)нинг “Насаб ар-Роя лиаҳадис ал-Ҳидоя”⁶²⁰ асари ва бошқа китобларда ушбу масала ёритилган. “Футуҳ ал-булдон” асари ушбу мавзу доирасида энг қадимий манбалардан бири ҳисобланади.

Нажрон⁶²¹ сулҳи мавзусида нажронлик икки кишининг Мадинага келиб Расулulloҳ (с.а.в) билан баҳс қилганлиги хусусида сўз боради. Нажрон элчилари насронийлик динига мансуб бўлиб, Набий (а.с.) билан Исо (а.с.) ҳақида баҳс қилишган. Шундан сўнг “Оли Имрон” сурасининг 58-61 оятлари нозил бўлган⁶²². Нажрон сулҳи мавзусида яна бир неча оятлар тафсирига мурожаат қилинган. Хусусан, исломни қабул қилмаган араб қабиалари ҳақида Бақара сурасинининг 193 ояти, аҳли китоблар⁶²³ ҳақида Тавба сурасининг 30 ояти нозил бўлганлиги айtilган.

Муаллиф оятларни бирор маълумотни ишончли эканлигини билдириш учунгина келтирмаган. Балки, мавзуга айнан алоқадор мазмундаги оятларни келтириб, уни тафсир қилишга аҳамият берган. Албатта бу нарса Балазурийнинг тафсир илмида қай даражада салоҳиятга эга бўлганлигини кўрсатади.

Футуҳ ал-булдон асарида бир неча муфассирлар фойдаланган. Хусусан, ал-Хатиб аш-Шарбиний (ваф. 977/1569) “Тафсир ас-сирож ал-мунир”⁶²⁴, Бурҳониддин ал-Бақоий (809/1406-885/1480)нинг “Назм ад-дурар фи таносиб ал-аят ва ас-сувар”⁶²⁵, Муҳаммад Рашид ибн Али (1282/1865-1354/1935)нинг

⁶¹⁴ Абу Мансур ал-Мотуридий. Таъвилот ал-Қуръан. Ж. 9. – Истанбул: Дар ал-Мизан, 2007. – Б. 364.

⁶¹⁵ Ўша асар. – Б. 60.

⁶¹⁶ Абу Бакр Жассос. Аҳкам ал-Қуръан. Ж. 5. – Байрут: Дар ихя ат-турос ал-аробий, 1992. – Б. 61-62.

⁶¹⁷ Жалолиддин Суютий. Ад-дурр ал-мансур фи тафсир ал-маъсур. Ж. 6. – Байрут: Дар ал-фикр, 2011. – Б. 24-26.

⁶¹⁸ Ибн Ҳажар ал-Асқалоний. Фатҳ ал-борий. Ж. 7. – Байрут: Дар ар-рисала ал-илмийя, 2013. – Б. 378-379.

⁶¹⁹ Бадриддин Айний. Умдат ал-Қори. Ж. 9. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмийя, 2001. – Б. 321-327.

⁶²⁰ Жамолиддин аз-Зайлаий. Насаб ар-Роя лиаҳадис ал-Ҳидоя. Ж. 4. – Жидда: Дар ал-қибла лис-сақофа ал-исламийя, 1938. – Б. 266-267

⁶²¹ Нажрон – Саудия Арабистонининг жануби-ғарбий қисмида жойлашган шаҳар. У қадимий шаҳарлардан бири бўлиб, аҳолиси деҳқончилик билан шуғулланган.

⁶²² Футуҳ ал-булдон. – Б. 86.

⁶²³ Китоб аҳллариға [христианлик](#) ва яҳудийликка эътиқод қилувчилар киритилган.

⁶²⁴ Аш-Шарбиний. Тафсир ас-сирож ал-мунир. Ж.3. – Қоҳира: Ал-матбаъа ал-амирийя, 1868. – Б. 246.

⁶²⁵ Бурҳониддин ал-Бақоий. Назм ад-дурар фи таносиб ал-аят ва ас-сувар. Ж.15. – Қоҳира: Дар ал-кутуб ал-исламий, 1984. – Б. 351.

“Тафсир ал-манор”⁶²⁶ каби тафсир китобларида “Футуҳ ал-булдон”да келган маълумотларни учратиш мумкин. Бунга сабаб асарнинг дастлабки бирламчи манба сифатида эътироф этилишидир.

Муаллиф яшаган давр ҳадис илми ривожланган ва ундан тарих, фикҳ ва бошқа соҳалар ажралиб чиққан давр бўлса-да, тарихчилар воқеаларни баён қилишда муҳаддислар услубига амал қилганлар. Тарихий жараёнларни ёритишда унинг ровийларини келтириб, ўша мавзуга тааллуқли бир неча ривоятларни нақл этадилар. Аҳмад ибн Яҳё китобидаги воқеалар илк ислом тарихига оид бўлиб, уларни Муҳаммад (с.а.в.) ва саҳобалар сўзларидан фойдаланмай ҳикоя қилиш имконсиз саналади. Шунинг учун тарихчи Салоҳиддин ас-Сафдий ал-Балазурийни бежизга олим, шоир, фозил ва ровий дея таърифламаган бўлса керак⁶²⁷.

Муаллиф асарда нақл қилган ҳадислар Ҳоким ан-Найсобурий (321/933-405/1014)нинг “Ал-Мустадрок аъла ас-саҳиҳайн”⁶²⁸, Ибн Асокирнинг “Тарихи Мадинати Дамашқ”⁶²⁹, Аҳмад ибн Ҳажар ал-Асқалонийнинг “Ал-Исоба фи тамйиз ас-саҳоба”⁶³⁰ ва бошқа мўътабар манбаларда келтирилган. Шамсиддин Заҳабий “Тазкира ал-хуффо” асарида ал-Балазурийни ҳофиз⁶³¹ деб номлаган ва уни муҳаддис Абу Довуд Сижистоний табақасидан бўлганлигини айтган⁶³².

Демак, Футуҳ ал-булдон асари асосий мавзуси фатҳ юришлари тарихига оид бўлса-да, унда Қуръони карим тафсири, ҳадис, фикҳ илмига доир маълумотларни учратиш мумкин. Чунки VIII-IX асрларда ижод қилган олимлар маълум соҳа доирасида чекланиб қолмай ислом илмларининг барчасидан воқиф бўлганлар ва асарларида ушбу омил акс этган. Шунинг учун кейинги давр муфассирлари Қуръони каримни тафсир қилишда Футуҳ ал-булдонга ҳам мурожаат қилганлар.

Tokhirov Jakhongir
PhD in History,
Associate Professor

THE PLACE AND STYLE OF "SHARH TAJRID AL-AQAID" AMONG DOGMATIC WORKS

On faith and theology from the point of view of source studies is assessed, first of all, by the fact that the written source has survived to the present day in

⁶²⁶ Муҳаммад Рашид Ризо. Тафсир ал-манор. Ж.10. –Қоҳира: Дар ал-манор, 1947. – Б. 349.

⁶²⁷ Салоҳиддин ас-Сафдий. Китаб ал-вафий бил-вафийят, VIII жуз. – Байрут: Дар ихё ат-турос ал-аробий, 2000. – Б. 155.

⁶²⁸ Ҳоким ан-Найсобурий. Ал-Мустадрок. Ж. 1. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмийя, 2002. – Б. 645.

⁶²⁹ Ибн Асокир. Тариху мадинати Дамашқ, VI жуз. – Байрут: Дар ал-фикр, 1995. – Б. 75-76.

⁶³⁰ Ал-Асқалоний. Ал-Исоба. Ж. 2. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмийя, 1995. – Б. 82.

⁶³¹ Ҳофиз – ҳадис илмида ҳофиз сўзига турлича таъриф берилган. “Ал-Мўъжам ал-Васит”да уч юз мингта ҳадис матни ва санадини ёд билган киши ҳофиз даражасига етиши айtilган.

⁶³² Шамсиддин Заҳабий. Тазкира ал-хуффо. – Ҳайдаробод (Ҳиндистон): Дайра ал-маориф, 1958. – Б. 892.

UCHINCHI SHU'BA

AQIDA, FIQH VA MA'NAVIY MEROSNING DOLZARB MASALALARI

Soʻnmez Kutlu. Selefî akimlarla mücadelede Imam Maturidi'nin akilci yöntemi ve görüşlerinin önemi	277
Dr. Angelika Brodersen. Human agency and free choice in ottoman era Mâturîdî scholar Muḥammad b. Walî b. Rasûl al-Qîrshahrî al-Izmîrî's (d. 1165/1751) Kitâb al-masâ'il al-khilâfiyya bayna l-mâturîdiyya wa-l-ashâ'ira.....	299
Аширбек Муминов. Основатель новой ханафитской школы в золотой орде	303
Zaylabidin Acimamatov. Itikadî konuda Şemsü'l-eimme Imam Serahsî ile Imam Mâturidî'nin görüşlerinin karşılaştırılması	309
O.Muhammad Yusuf. Karima Marvaziyaning islom tarixidagi oʻrni	313
С.Умматалиев. “Футух ал-булдон” асарида тафсир ва ҳадис илмига доир маълумотлар таҳлили	316
J.Tokhirov. The place and style of "Sharh tajrid al-aqaid" among dogmatic works	319
Н.Туйчиева. Ислом илмлари ривожига зоҳирий ва ботиний фикҳ тушунчаси	323
С.Примов. Ислом дини манбаларини тўғри талқин қилишда Имом Абу Ҳанифанинг ёндашуви	328
Н.Тўраев. Ровийнинг хотираси заифлиги сабабли рад этилган ҳадислар (мудраж ҳадис мисолида).....	332
Ў.Палванов. Саъдуддин Тафтазонийнинг араб тилига доир асарлари	335
Ф.Носиржонов. Мусулмон ҳуқуқига оид манбаларда муомалот масалаларнинг ёритилиши (“Фатовойи Қозихон” ва “Фатовойи Оламгирия” асари мисолида).....	339
М.Баймиров. “Ал-Ашбоҳ ва-н-назоир” асарида урф ва одатларга оид масалаларнинг ёритилиши	345
J.Sodikov. “Usuli ashara”da kubraviylik asoslarining aks etishi	351
А.Пардаев. Ислом ақидаси асосларини тушунишда “Рисола фи-л-эътиқод” асарининг тутган ўрни.....	354
А.Нуриддинов. Маҳдуми Аъзам никоҳ ва оила ҳақида	359
Т. Хатамов. Занги ота маърифий меросини тадқиқ этишда академик А.Саидов тадқиқотларининг ўрни	363
М.Тимуршин. Научный анализ исламских источников в глобальном информационном пространстве: методы исследования рукописей (на примере произведения Мухаммада ал-Булгари «Хазинетуль-улема ва зинетуль-фукаха»)	365
М.Исмоилов. Хожа Муҳаммад Порсонинг калом илмига доир асарлари ...	367